
ХУСУСИЙ МУЛК КАФОЛАТИ

уни таъминлаш юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қонунларимизга мувофиқ равишда иқтисодиётда хусусий мулкнинг устуворлигини амалда таъминлаш, уни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини кафолатлаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Бу бежиз эмас. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда хусусий мулк ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакатнинг тараққий этишида асосий омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли хусусий мулкнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини англаш ва белгилаб олиш муҳимдир.

Айтиш жоизки, истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва йигирма йил давомида мамлакатимизнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ривожланишига асос бўлиб келаётган бешта муҳим тамойилдан иборат тараққиётнинг “ўзбек модели” дея ном олган дастурнинг нечоғли тўғри танланган йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Айни чоғда у амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортга қайтмаслиги кафолати бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Ўтган даврда амалга оширилаётган давлат объектларини хусусийлаштириш жараёнлари иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам бериш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш имконини яратди. Хусусий мулк кўламини кенгайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритишлари учун ўзига хос тизим яратилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар эса бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Энг асосийси, ушбу ҳужжатлар давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат иқтисодий жиҳатдан эркин фуқарогина ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, у ўз мулкидан самарали фойдаланиши ҳамда шу орқали мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, мулк барча шаклларида ривожланишига бир хил шарт-шароит яратиб бериш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбу вазифаларни бажаришда, аввало, мулк ҳуқуқини амалга ошириш механизмнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, айниқса, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган ҳар кимнинг ўз хусусий мулкига эркин эгалик қилиш тамойилини мустаҳкамлаш бўлиб, бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда, энг аввало, ўрта синф вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларига тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиш бериш, уларни қўллаб-қувватлашда долзарб аҳамият касб этмоқда. Концепция асосида тайёрланиб, ҳаётга татбиқ этилган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда, шубҳасиз, муҳим ҳуқуқий асос бўлганини айтиш зарур. Унга кўра, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиб, хусусий мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги аниқ белгилаб қўйилди. Мулкдорга фойдасиз шартларни юклаш, жумладан, улардан мол-мулкни, молиявий маблағларини топширишни талаб қилиш, мулкдор фаолиятига аралashiш, унинг мол-мулкни қўлга киритишга ёки хусусий мулкига бўлган ҳуқуқларидан воз кечишига мажбур қилиш қатъий тақиқланди. Муҳими, бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдор фойдасига ҳал этилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатдики, мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини янада мустаҳкамлаш, аниқлаштиришга зарурат бор эди. Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, бозор муносабатларини қарор топтириш учун тадбиркорларга фақат ҳуқуқий кафолатлар етарли эмас. Биз тадбиркорга республикамизнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаётган омил сифатида ёндашмоғимиз зарур ва қонунчилик фаолияти айнан шунга қаратилган бўлиши лозим.

Қонунга биноан, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Бундай мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. У дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Зотан, хусусий мулк ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ва уни амалга оширишнинг моддий асосидир.

Айни пайтда мамлакатимизда мулкдорлар катлами ривожланиб бораётган экан, у билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни ҳам замон талаблари асосида такомиллаштириш айни заруратдир. Зеро, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлиги таъминланиши ва ишончли кафолатланишини хоҳлайди.

Фракциямиз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам беришга, хусусий мулкчиликнинг шаклланишига замин яратувчи, пировардида эса барча тармоқларда хусусий сектор устунлик қилган кўп укладли иқтисодиёт барпо этишга хизмат қилувчи мукамал ҳуқуқий асосларнинг яратилишини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш баробарида, замонавий бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, жумладан, фонд ва маҳсулот

бозорларини, кўчмас мулк бозорларини, хусусийлаштириш, суғурта фондларини, аудиторлик ва консалтинг ҳамда мулкни баҳолаш компанияларини ва бошқарув институтларини бугунги кун талаби даражасида ривожлантиришни, уларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни илгари суради. Бинобарин, булар хусусийлаштириш жараёнларининг ижобий суръатларда боришига, хусусий мулкдорлар синфининг янада ўсиши ва ривожланишига омил бўлади ҳамда миллий иқтисодиётда чуқур институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида молиявий ресурслар кўламини кенгайтиришга замин яратади. Хусусийлаштириш жараёнини янги, янада юқори ривожланиш босқичига олиб чиқиш имконини беради.

Ш. БОЛТАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси.
Халқ сўзи, 3 март 2014 йил